



20 20 у. « 2 » сентябрь

№ Қ-433

«    »    20    г.

**Бойсун тумани “Сайроб”, “Работ” ва “Ғайрат” массивларидан ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY”га ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 мартдаги “Маҳсулот тақсимотига оид битим асосида Сурхондарё вилоятидаги Мустақилликнинг 25 йиллиги конида қидирув ишларини давом эттириш, газ кимё комплекси қурилиши ишларини ва инвестицион лойиҳаси амалга оширишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 193-сонли қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 15 майдаги 03-02/220-сон йиғилиш баёни, Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 04 майдаги 01-03/95-сон хатини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 15 майдаги 03-02/220-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. “SURXON GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY” МЧЖга сув қувири қурилиши учун жами 36,98 гектар, шундан “Сайроб” массиви худудидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1-дала контуридан 5,0 гектар яйлов, “Работ” массиви худудидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 197, 198, 207, 230, 250, 316, 348, 350, 353, 421 ва 352-дала контурларидан тупроқ унумдорлиги 43,0, 55,0 ва 61,0 балл бонитетли жами 28,86 гектар, шундан 1,78 гектар суғориладиган экин ер, 1,37 гектар лалми экин ер, 0,78 гектар узумзор, 0,87 гектар тутзор, 18,8 гектар яйлов, 5,26 гектар бошқа ерлар, “Ғайрат” массиви худудидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1048, 1049 ва 1047-дала контурларидан жами 2,14 гектар, шундан 1,28 гектар яйлов, 0,86 гектар бошқа ер майдони шундан 36 гектар ер майдони вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ва насос станциялари қурилиши учун қишлоқ хўжалик харитасининг 421 ва 209-дала контурларидаги жами 0,98 гектар, шундан 0,54 гектар лалми экин ер ва 0,44 гектар яйлов ер майдони учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. ИП ООО “SURHAN GAS CHEMICAL OPERATING COMPANY”га сув қувири қурилиши учун ажратилаётган “Работ” массиви худудидан

61,0 балл бонитетли 0,98 гектар суғориладиган экин ер майдони учун 40 381 987,80 (қирқ миллион уч юз саксон бир минг тўққиз юз саксон етти) сўм 80 тийин, тупроқ унумдорлиги 43,0 балл бонитетли 0,80 гектар суғориладиган экин ер майдони учун 23 237 544 (йигирма уч миллион икки юз ўттиз етти минг беш юз қирқ тўрт) сўм, тупроқ унумдорлиги 55,0 балл бонитетли 0,78 гектар узумзор ер майдони учун 28 979 379 (йигирма саккиз миллион тўққиз юз етмиш тўққиз минг уч юз етмиш тўққиз) сўм ва тупроқ унумдорлиги 61,0 балл бонитетли 0,87 гектар тутзор ер майдони учун 35 849 315,70 (ўттиз беш миллион саккиз юз қирқ тўққиз минг уч юз ўн беш) сўм 70 тийин вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида жами 143 406 826,50 (бир юз қирқ уч миллион тўрт юз олти минг саккиз юз йигирма олти) сўм 50 тийин Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450716186)га, сув қузури қурилиши учун “Сайроб” массиви ҳудудидадан 5,0 гектар яйлов ер майдони учун 3 263 736,8 (уч миллион икки юз олти минг уч минг етти юз ўттиз олти) сўм 80 тийин, “Работ” массиви ҳудудидадан 1,37 гектар лалми экин ер майдони учун 5 925 115,19 (беш миллион тўққиз юз йигирма беш минг бир юз ўн беш) сўм 19 тийин ва 18,8 гектар яйлов ер майдони учун 12 271 650,37 (ўн икки миллион икки юз етмиш бир минг олти юз эллик) сўм 37 тийин, “Ғайрат” массивидан 1,28 гектар яйлов ер майдони учун 835 516,60 (саккиз юз ўттиз беш минг беш юз ўн олти) сўм 60 тийин вақтинча фойдаланиш ҳуқуқи билан ҳамда насос станциялари қурилиши учун жами 0,98 гектар, шундан 0,54 гектар лалми экин ер майдони учун 58 386 171,6 (эллик саккиз миллион уч юз саксон олти минг бир юз етмиш бир) сўм 60 тийин, 0,44 гектар яйлов ер майдони учун 7 180 220,96 (етти миллион бир юз саксон минг икки юз йигирма) сўм 96 тийин доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида жами 135 991 011,54 (бир юз ўттиз беш миллион тўққиз юз тўқсон бир минг ўн бир) сўм 54 тийин Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186)га, беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бойсун тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов